Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2013-yil 2-iyul, seshanba № 79 (3272)

Бугун биз — эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, келажак сари дадил қадам қўяётган буюк халқмиз.

Ислом КАРИМОВ

# Мустақиллигимиз ва қадр-қимматимиз тимсоли

## 2 июл — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун



**Президентимиз Ислом Каримов 1992 йил 2 июлда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунга имзо чекди. Бу билан мамлакатимиз мустақиллиги мустаҳкамланди. Халқимиз ўзи истаган ва танлаган йўл — эркин, обод ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида яна бир муқаддас тимсолга эга бўлди. Ўзбекистон халқи ўз қадр-қимматини, таянчи ва суянчини чуқурроқ англай бошлади.**

Аждодларимиз давлат тамғасини азалдан муқаддас тимсол, деб билган. Маҳмуд Қошғарий «Девону луғатит турк» асарида тамғани «подшоҳнинг ҳукмдорлик тамғаси ва муҳри», деб изоҳлайди. Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» китобида ёзилишича, XIII-XV асрларда Ўзбекистон ҳудудида савдо карвонларидан олинадиган солиқ «тамға солиғи», деб аталган.

Соҳибқирон Амир Темур тамғасида «Куч — адолатда» маъносини англатувчи ёзув-муҳр бўлган. Улуғ бобомиз салтанат асосини ана шу улуғ ҳикмат асосига қурган. Буларнинг барчаси давлат тамғаси халқимиз ҳаёти ва миллий давлатчилик тарихимизда озодлик, ғурур-ифтихор ва ор-номус тимсоли бўлганидан, боболаримиз уни муқаддас ва азиз санаганидан далолатдир.

Ватанимиз мустақиллигининг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида янги давлат асосини мустаҳкамлаш, халқимизга хос ва мос янги жамият барпо этиш йўлида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлат рамзларини, шу жумладан, герб лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни кенг муҳокамадан ўтказилди. 1992 йил 2 июл — тарихимиз ва миллий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган давлатимиз герби қабул қилинган кун, халқимиз озодлигининг яна бир тимсоли сифатида тарихдан жой олди.

Шу санадан эътиборан давлатимиз герби тасвири мамлакатимиздаги барча давлат ташкилоти бинолари пештоқига ўрнатилди. Олий рамзимиз тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспортида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳужжатлардан жой олмоқда.

Ўзбекистон герби давлатимиз чегараларида ўрнатилди. Бу мустақил Ватанимиз тенглар ичра тенг бўлганининг ёрқин далили эди.

Бугун Ўзбекистон ёшлари спорт, санъат, илм-фан ёки бошқа йўналишда халқаро майдонда ғалабага эришар экан, байроғимиз баланд кўтарилиши ва мадҳиямиз баралла янграши билан бирга гербимиз ҳам ўзга давлатлар тамғасидан юқорироқ ўрин эгаллайди. Шундай лаҳзаларда мустақиллигимиз қадр-қимматини, мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикнинг аҳамиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Гербимиздаги ҳар бир ранг, чизиқ, белги теран рамзий маънога эга. Ўнг томондаги қийғос очилган пахта ва ғарқ пишган буғдой бошоқлари — халқимизнинг меҳнати ҳалол, ризқи бутун эканидан далолатдир.

Гербнинг юқори қисмида мамлакатимиз жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Мусамман ичидаги ярим ой — қўлга киритилган мустақиллигимизни, юлдуз эса халқимиз ҳамиша комилликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлаганини билдиради.

Давлатимиз гербида яшил водий (обод турмуш) узра қуёш (мангу ёруғлик манбаи) нур сочаётган тасвир туширилган. Пурвиқор тоғлар оралаб оқаётган дарёлар — авлодлар оша яшаб келаётган мангу қувват тимсоли, халқимиз кўзлаган юксак марралардан далолатдир.

Гербимиз марказида саодат, ҳиммат, олижаноблик, омад тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турибди. Халқимиз Ҳумони азал-азалдан бахт ва давлат қуши сифатида тасаввур этган. Байроғимизни ифодаловчи чамбар бандида «Ўзбекистон» сўзи битилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, мамлакатимиз фуқаролари, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча шахс давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт. 2010 йил 25 декабрдан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги қонун давлатимиз гербидан фойдаланиш қоидаларини ҳам янада мустаҳкамлади.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонунга киритилган 5-1-моддага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг элементларини нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг реквизитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди. Ўзбекистон гербининг тасвири туширилган белгилардан тижорат мақсадларида фойдаланиш ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган 203-1-моддага кўра, Ўзбекистон Республикаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат герби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур янги қонун халқимиз, аввало, ёшларимиз қалбида давлатимиз рамзларидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Муқаддас тимсолларга ҳурмат туйғусини тарбиялайди, миллий ғурурни юксалтиради.

...Ҳар куни гербимиз тасвири туширилган миллий валютадан фойдаланамиз, унинг юксакдаги тасвиридан ғурур туямиз. Чунки Ўзбекистон герби — давлатимиз суверенитетини ифодалайдиган муқаддас тимсол, халқимиз ор-номуси ва шаънини мустаҳкамлайдиган катта бир дарсликдир. Зотан, ўз қадр-қимматини, таянчи ва суянчини англаган халқ ўз миллий тимсолларини ҳамиша эъзозлайди, маънавияти бутун халқни ҳеч қандай куч ўзи танлаган йўлдан чалғита олмайди.

**Умид ЁҚУБОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## 2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ



# Йилнинг энг фаол ҳамшираси аниқланди

**Тошкентдаги «Туркистон» саройида «Ҳамшира — 2013» республика кўрик-танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда тегишли давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, шифокорлар, ҳамширалар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Танлов иштирокчилари пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Пойтахтимизда истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, «Маърифат маркази» ва «Бунёдкор» спорт мажмуасини бориб кўрди.

Тадбирда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири А.Алимов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар юксак самаралар бераётганини алоҳида таъкидлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини модернизациялаш, тиббиётнинг барча йўналишларида замонавий технологиялардан оқилона фойдаланиш, бирламчи тиббий-профилактика ёрдамини кенгайтириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қабул қилинган давлат дастурлари ва лойиҳаларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга малакали врачлар билан бирга ҳамширалар ҳам фаол ҳисса қўшаётир.

«Ҳамшира — 2013» республика кўрик-танловини ўтказишдан кўзланган мақсад ўрта тиббиёт ходимларининг билим ва тажрибаларини янада бойитиш, ҳамширалик ишида эришилаётган улкан ютуқ ва илғор тажрибани оммалаштириш, изланувчан, ижодкор, ташаббускор ҳамшираларнинг истеъдодини намоён этишига кўмаклашишдан иборатдир.

Танловнинг финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда биринчи ўринни эгаллаган 14 нафар ҳамшира иштирок этди. Улар аввал Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида танловнинг амалий шартлари бўйича беллашди.

Иккинчи босқичда ҳамшираларнинг тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнидаги иштироки, соҳага оид назарий билим ва кўникмалари, ўз жамоасидаги маънавий-маърифий ишлари синовдан ўтказилди.

Танловда Тошкент шаҳар 5-клиник шифохонасининг жарроҳлик бўлими ҳамшираси Дилноза Абдиева биринчи ўринни олди ва «Матиз» автомашинаси билан тақдирланди.

— Бугунги ҳамшира нафақат беморлар муолажаси билан шуғулланиш, балки аҳоли ўртасида тиббий-профилактика тадбирларини, болалар, ўсмирлар, репродуктив ёшдаги аёлларнинг кўригини юқори савияда ташкил этиш, оналик ва болаликни муҳофазалашга оид тарғибот ишларини юритишда ҳам фаол иштирок этмоғи керак, — дейди Д.Абдиева. — Бизнинг шифохонамизда ҳамширалик иши ана шундай талаблар асосида ташкил этилган. Бундай тадбирлар натижасида аҳолининг тиббий маданияти юксалиб, ўз саломатлигига эътибори кучаймоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, инсон манфаатларини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган изчил ишларнинг амалдаги самараларидир.

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона вилоят филиали педиатрия бўлими ҳамшираси Мавлудахон Ҳасанова иккинчи, Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг ревматология бўлими ҳамшираси Сарвиноз Турсунова учинчи ўринни эгаллади.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## ЎЗБЕКИСТОН — БАХТИЁР БОЛАЛАР МАМЛАКАТИ

**Мамлакатимизда аҳолининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Шу боис жисмонан соғлом, маънавий етук, ақл-заковати юксак, мустақил фикрлайдиган ва келажакка ишонч билан қарайдиган баркамол авлодни тарбиялаш ҳақида ғамхўрлик қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз таъкидлаганидек, «Олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистон XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир». Бу хайрли ишларда давлат тузилмалари қатори касаба уюшмаларининг ҳам фаол иштирок этаётгани алоҳида эътирофга лойиқ.**

**Навқирон авлод вакилларининг дам олишини ташкил этиш, саломатлигини мустаҳкамлаш, мактаб ўқувчиларининг ёзги таътилни янада мароқли ва сермазмун ўтказиш, янги ўқув йилига мустаҳкам замин яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши маданий-маърифий ишлар бўлими мудири Лолахон ХОЛМЎМИНОВА мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.**

# Навқирон авлод саломатлиги эзгу мақсадимиздир

— Бу оламда бола қувончидан гўзалроқ, бола кулгусидан ёқимли яна нима бор? Уларнинг камоли йўлида қилинган ҳар бир иш буюк истиқлолимизга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги қарори билан тасдиқланган «Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш Концепцияси» мазкур йўналишда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Айни чоғда оромгоҳларда ёз мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этиш, болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича мукаммал тизим яратилган. Айтиш жоизки, ишлаб чиқилган махсус манзилли дастур орқали дам олиш масканларига жалб этилаётган болалар салмоғини кўпайтириш, оромгоҳлар нуфузини ошириш, айниқса, юртимизнинг хушманзара, сўлим гўшаларида ана шундай масканларни барпо этиш, мавжудларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди.

Чунончи, мавсум бошлангунча, оромгоҳларнинг моддий-техник базасини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган 2012-2013 йилларга мўлжалланган Манзилли дастурларга мувофиқ, Зомин ва Урганч туманларида 400 ўринга мўлжалланган замонавий оромгоҳлар қуриб фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Жиззах, Сирдарё, Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида 12 та оромгоҳ қайта реконструкция қилиниб, 1580 та янги ўринлар яратилди ва 19 та оромгоҳ капитал таъмирланди. Шунингдек, оромгоҳларда маиший, коммунал, транспорт ва тиббий таъминотнинг барча тизимлари ишончли ва узлуксиз ишлаши таъминланди. Бу йилги ёзги таътил давомида мингта оромгоҳ (210 та стационар, 790 та кундузги)да 270 минг 375 нафар бола соғломлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу мақсадга 33,9 млрд. сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган.

(Давоми 4-саҳифада).

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

# Истиқболимизнинг ҳал қилувчи кучи

**Истиқлолнинг илк кунларидан ёшларга истиқболимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида қараб келинади. Президентимиз ташаббуси билан уларнинг мукаммал билим олиши, малакали мутахассис бўлиб етишиши учун тизимли дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Таълим сифати янги босқичга кўтарилди. Ёшларимиз илм олиш баробарида касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашаяпти. «Мактабдан — коллежга, коллеждан — корхонага» тизими давлат сиёсати даражасида белгиланиб, ёшлар келажагида муҳим ўрин тутмоқда.**

Самарқанд вилоятида 2012-2013 ўқув йилида 158 та касб-ҳунар коллежини 102 та мутахассислик бўйича 60 минг 794 нафар ёш тугаллаяпти. Эътиборли жиҳати, уларнинг эгаллаган касби бўйича иш жойи тайин. 19987 та корхона ва ташкилотда амалиёт ўташ ва кейинчалик ишга жойлаштириш мақсадида имзоланган уч томонлама шартномага мувофиқ 57 минг 971 нафар битирувчи касб маҳоратини оширган эди. 46452 нафар битирувчининг ота-оналарига фарзанди кафолатли иш жойи билан таъминланиши ҳақидаги сертификатлар топширилди. Шу кунгача 2 минг нафардан зиёд битирувчининг бизнес лойиҳалари молиялаштирилди. Банклар томонидан ёш тадбиркорларга 7,1 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Уларнинг аксарияти фаолиятини бошлаб юборишди.

(Давоми 2-саҳифада).

